

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Л. Бегимкулова</b>	
Қора тотор ва ироқликларнинг Мовароуннаҳрдан кўчиши ҳамда унга таъсир қилган омиллар.....	171
<b>Ш.Рискулов</b>	
XIX асрнинг сўнгги чораги ва XX аср бошларида Афғонистондаги геосийёсий вазият.....	174
<b>А.Нишонов</b>	
Фарғона водийсининг биринчи шайбоний ҳоқими.....	179
<b>С.Мўминов, Н.Кўлдашев</b>	
Навоийнинг сўз қуввати.....	182
<b>Ф.Маматкулова</b>	
“Тоҳир ва Зухра” достонининг Қашқадарёга хос талқини.....	185
<b>Ш.Низамова</b>	
Тахаллуслар билан боғлиқ шеърий санъат ва унсурлар хусусида.....	189
<b>М.Нуъмонжонова</b>	
Зебо Ғаниева жасорати.....	193
<b>С.Хақназарова</b>	
Абдулла Шер ижодида Ватан манзаралари.....	196
<b>М.Ҳамидов</b>	
Ўзбек шеъриятида Машраб образи талқини.....	198
<b>Г.Ҳимматова</b>	
Характер руҳияти психологизми (Қўчқор Норқобил ижоди мисолида).....	201
<b>И.Доронина</b>	
XX аср адабиётида модернистик оқимлар, футуризмнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг ҳар хил турлари.....	204
<b>Э.Гиздулин</b>	
И.Бродский лирикаси турларининг хилма-хиллиги.....	207
<b>Г.Розиқова, Э.Маруфова</b>	
Ўзбек тили лексикасининг шакл ва маъно жиҳатидан ўзгариши.....	210
<b>Д.Юлдашева</b>	
Болаларга хос оғзаки ва ёзма матнларнинг яратилишида лингвистик гештальт хусусида.....	214
<b>Н.Умарова, Х.Фаттоҳов</b>	
Арабча ўзлашмалар ва уларнинг Навоий асарларида қўлланиши.....	217
<b>Н.Расулова</b>	
Тиббий терминлар ўқув луғатини тузиш тамойиллари.....	220
<b>М.Саидова</b>	
К.Болдикнинг “Адабиётшунослик терминларининг қисқача изоҳли оксфорд луғати”даги мураккаб таркибли адабиётшунослик терминлари таҳлили.....	223
<b>Н.Каримова</b>	
Тил материалларини ўрганишга ёндашувнинг долзарб масалалари.....	228
<b>З.Позилжонова</b>	
Маданиятлараро мулоқотда новербал мулоқот турлари.....	231
<b>Н.Турсунова</b>	
Фраземанинг тил бирлиги мақоми хусусида.....	235
<b>Ф.Анварова</b>	
Хорижий тилларнинг давлат тилида иш юритувчилар фаолиятида тутган ўрни.....	238
<b>Ф.Раҳматов, М.Ахмаджонов, М.Мирзарахимов</b>	
Клиент сервер технологиясига асосланган реал вақт тизимларида Firebase NoSQL базаларидан фойдаланиш .....	243
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
<b>Халқпарвар, ватанпарвар, забардаст файласуф олим (1929-2003).....</b>	<b>246</b>

ТАХАЛЛУСЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ШЕЪРИЙ САНЪАТ ВА УНСУРЛАР  
ХУСУСИДА

О ПОЭТИЧЕСКОМ ИСКУССТВЕ И ЭЛЕМЕНТАХ, СВЯЗАННЫХ С ПСЕВДОНИМАМИ

ON THE POETIC ART AND ELEMENTS OF NICKNAMES

Ш.Низамова<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Ш.Низамова

– Қўқон давлат педагогика институти мустақил тадқиқотчиси.

**Аннотация**

Мақолада тахаллуслар асосида ҳосил қилинадиган таносиб, иттифоқ, ийҳом, тажнис каби шеърий санъатлар ва радиф, нидо каби шеърий унсурлар ҳамда услубий воситалар таҳлили берилган.

**Аннотация**

В статье представлен анализ таких видов поэтического искусства, как “таносиб”, “иттифоқ”, “ийҳом”, “тажнис”, формирующихся на основе псевдонимов, а также поэтических элементов и стилистических средств, таких как “радиф”, “нидо”.

**Annotation**

The article provides an analysis of poetic arts such as tanosib, ittifoq, iyhom, tajnis, which are formed on the basis of nicknames, and poetic elements and methodological tools such as radif, nido.

**Таянч сўз ва иборалар:** луғавий маъно, тахаллус, шеърий санъат, таносиб, иттифоқ, ийҳом, тажнис, радиф, ундалма, нидо.

**Ключевые слова и выражения:** лексическое значение, псевдоним, поэтическое искусство, “таносиб”, “иттифоқ”, “ийҳом”, “тажнис”, “радиф”, “ундалма”, “нидо”.

**Keywords and expressions:** lexical meaning, nickname, poetic art, tanosib, union, iyhom, tajnis, radif, undalma, nido.

Бадиий матнда қўлланган ҳар бир тил бирлиги асарнинг мавзуси, ғояси билан боғлиқ тарзда маълум вазибаларни бажаради. Жумладан, шоир ва ёзувчининг тахаллуси ўз соҳибини аташ, бошқалардан фарқлаш, шеърий асар кимнинг ижодига мансублигини ифодалашдан ташқари муайян услубий, бадиий вазибаларни ҳам бажаради. Биз мазкур мақолада тахаллусларнинг турли санъатлар учун асос бўлиши, асар жозибаси, жарангдорлиги ва таъсирчанлигини оширишдаги роли ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Бадиий асарларда, хусусан, шеърий асарларда ўз номини келтириш узоқ тарихга эга бўлиб, бу тахаллуснинг пайдо бўлиш сабабларидан биридир. Шоирлар ўз тахаллусларини ғазалнинг мақтаъсида қўллаганлар.

Мақтаъ (ар. тугаш жойи, кесмоқ) – ғазал ёки қасиданинг охириги, якунловчи байти бўлиб, унда шеърда билдирилган фикрлар, изҳор этилган ҳис-туйғулар хулосаланади, шоирнинг уларга муносабати

ифода этилади. Аънаанага кўра, аксарият мақтаъларда шоирнинг тахаллуси келтириладики, у шеър муаллифини кўрсатиб турувчи ўзига хос имзо, тамға вазибаларни бажаради [1,166]. Шунингдек, тахаллус бир неча шеърий санъат ва унсурлар учун асос бўлади. Масалан,

*Навосидин фано чун ҳосил ўлди,  
қилгасен эй ишқ,*

*Навоий риштаи жонин муғанний  
удининг тори.*

*(Навоий)*

Бу ғазалда иккита асосдош (ўзақдош) сўз қўлланган. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг таъбири билан айтганда, “Биринчиси – наво. Навонинг маънолари кўп. У “мусиқа, куй, оҳанг, шу билан бирга мунтазамлик, тартиб-интизом, симметрия, низомия, нафосат” тушунчаларини қамраб олади. Агар бу маъноларнинг ҳаммасини бир жойга йиғсақ, наво умумбашарий, умумжаҳоний оламнинг яхлит уйғунлигидан иборат олий гўзалликни ифодалаган бўлади. Модомики, шундай экан, ягона рухий

қудратнинг мунтазам ҳаракати, созкорлиги қайдида қалбнинг шукру шуқуҳи, ором ва осойишталиги ҳам наводир. Алишер Навоий, шубҳасиз, бу байтда қалб ороми, ички руҳий қониқиш нашидасини тасвирлаган. Бу нашида шоир юрагида бир муаззам куй бўлиб янграган ва муғанний (иккинчи ўзак сўз) тушунчаси билан боғланиб кетган” [2]. Иккинчиси, Навоий – муаллиф тахаллуси.

Шеърда *наво* апеллятиви ўз луғавий маъносида ва шоир тахаллуси асоси сифатида қўлланиб, **иттифоқ** (ар. ўзаро мувофиқлашиш) санъатига асос бўлган [3,126]. Иттифоқ санъатининг гўзал намуналари Алишер Навоий, Гадоий, Феруз, Фурқат, Чўлпон, Эркин Воҳидов, Омон Матжон каби шоирлар ижодида кўп кузатилади. Бу санъат туридан фойдаланиш ижодкорни сўз қўллаш маҳорати кучлилигидан далолат беради.

Доий Жавод таърифиға кўра, иттифоқ санъатининг моҳияти шундай: “... шоир шеърда ўз номи ёки тахаллусини ниҳоятда чиройли кўринишда шундай ўринли ишлатадики, ўқувчи хаёлига бир пайтнинг ўзида ана шу сўзнинг ҳам луғавий, ҳам истилоҳий маъноси келади” [4,26].

*Мажнунға менинг телбалигим бор Бақойй*

*Ортиқроқ агар бўлмасам андин кам эмасмен* [5,267].

Мазмуни:

*Мажнунда доимо менинг телбалигим бор,*

*Агар ундан ортиқроқ телба бўлмасам, ундан кам эмасман.*

Мазкур байт XVI асрда яшаб ижод қилган шоир Бақойй (асл исми номаълум)нинг қаламига мансуб. Ижодкорнинг тахаллусига луғавий асос бўлган бақо сўзи “доимий, абадий, мангу” маъноларини англатади. Шеърда сўз ҳам луғавий, ҳам истилоҳий маъноларда, яъни пайт равиши ва тахаллус сифатида қўлланиб, иттифоқ санъатининг юзага келишига асос бўлган.

Шоир, ёзувчи, драматург, таржимон, танқидчи ва жамоат арбоби Абдулхамид Сулаймон ўғли Юнусов (1898, Андижон – 1938.4.10, Тошкент) *Чўлпон, Андижонлик, Мирзо Қаландар* тахаллуслари билан ижод қилган. Улар ичида *Чўлпон* шоирнинг доимий тахаллуси бўлиб, шу тахаллус билан эл орасида машҳурдир. *Чўлпон* – тонг юлдузи,

ёруғ юлдуз (Венера) номидир. Шоир “Қаландар ишқи” шеърда *Чўлпон* атоқли отини ҳам юлдуз номи – космоним, ҳам тахаллус сифатида келтириб, иттифоқ санъатидан моҳирона фойдаланган:

*Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,*

*Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку* ([7,12].

Қўқонда яшаб ижод этган шоирлардан Шайдо (XVIII-XIX аср, асл исми номаълум) ҳам иттифоқ санъатидан маҳорат билан фойдаланган:

*Гул юзингни кўрсатиб этдинг баса*

**Шайдо мани**

*Ҳар сабоҳ нола қилай гашту гузорим борича* [6,590].

Шеърда *шайдо* ҳам апеллятив – “ошиқ, хуштор, мафтун” маъноларида, ҳам атоқли от – шоирнинг адабий тахаллуси сифатида қўлланган.

*Тарки хонумон этдим, гўшада макон эдим*

*Васфини баён этдим Шавқида китоб айлаб* [5,272].

Мазкур байт XVIII асрда Каттақўрғон шаҳрида яшаб ижод қилган шоир Шавқий қаламига мансуб. *Шавқий* арабча “*ўтқир орзули, зўр ҳавасли, қаттиқ интилишли, кайф, истак, ўрнатиш*” маъноларини англатади. Бу байтда ҳам *шавқ* сўзи ҳам турдош от, ҳам тахаллус, вазифасида қўлланиб, иттифоқ санъати ҳосил қилинган.

Асли хўжандлик бўлиб, Қўқонда хон саройида ижод қилган шоир Маъюс (Домулла Тўраҳон, XIX аср бошлари) ҳам бу санъат туридан ўз шеърларида фойдаланган:

*Қилмағил Маъюслиқ бирла фиғону нолаким,*

*Кўнглига таъсир қилмас бу наволардин бири* [5,279].

Маъюс сўзи “ғамгин, хафанамо, умидсизликка тушган” маъноларини билдиради.

Мажзуб Намангоний (асл исми Абдулазиз (18 а. 2-ярми, ўзбек тасаввуф адабиётининг йирик намояндаларидан бири) ўз шеърларида тахаллусини кўплик шаклида қўллаб, иттифоқ санъатини яратган:

*Ҳама дардманга шифо лутф қил,*

*Ки солиқ элига Сафо лутф қил,*

*Ки **Мажзубларға** вафо лутф қил –*

*Умидворлардир, умидворлар,*

*Умидворлардир, умидворлар* [8,27].

*Мажзуб* сўзи “ақлдан озган, девона, жинни, мажнун; тасаввуф аҳли” [9,198] маъноларини билдиради.

Ўзбек шоирлари ичида илк бор тахаллусдан фойдланишни бошлаб берган Нозик (Нозик Хоним) “Фасона” шеърида ўз тахаллусидан фойдаланиб иттифоқ санъатини қўллаганки, унинг сўз ёки тахаллус эканига киши шубҳа қилади:

*Бахтимми? Ёки қисмат, менга насиби меҳнат,*

*Ҳар ерда жойи хобим сар ўлса санги хора.*

*Хуш кечмаюб ҳаётим Нозик бу ҳола етдим,*

*Ҳар ҳосилеки топдим солдим бу шўрозора* [10,87].

Байтда *нозик* луғавий бирлиги ҳолат равиши ва тахаллус сифатида қўлланган.

Тахаллусни шеърда шакл ва мазмун уйғунлигида қўллаш, у асосида маълум шеърий санъатлар яратиш, бадийлик ва образлик ифодалаш ҳам юксак маҳоратдан далолат беради. Ўзбек мумтоз шеъриятида тахаллуслар айнан бир матнда бир неча санъатларга лисоний асос бўлганлиги ҳам кузатилади.

Шакли бир хил (омоним) ёки бирига яқин (омограф, омофон, омоформа) бўлган сўзларни байтнинг турли ўринларида келтирган ҳолда, ҳар бир ўринда алоҳида маънони ифодалаш **тажнис** (ар. ҳамжинс, жинсдош) санъатидир [1,301].

Ўзбек мумтоз шеъриятида бир шоир томонидан иккинчи бир шоирга унинг тахаллусини келтириб, шеър битиш аънанаси ҳам кузатилади. Масалан, шоир Муҳий марғилонлик Мулла Абдурахмонга унинг тахаллусини, яъни *Ҳижрат*ни келтириб, рубоий битган. Рубоийда *ҳижрат* луғавий бирлигини уч мисрада қўллайди. Шоирнинг маҳорати шундаки, сўз ҳам апеллятив – “бир нарсадан ажралиш, узилиш, тарк этиш, узоқлашиш” маъносида, ҳам ономастик бирлик – атоқли от, яъни тахаллус сифатида қўлланган ва иттифоқ, тажнис санъатини яратишга асос бўлган. Байтнинг матлаъсида тахаллус ўз вазифасида қўлланилган, яъни “Мен – *Ҳижрат* сенинг наслигини ихтиёр қилган эдим”; иккинчи байтда *ҳижрат* сўзи “тарк этиш, узоқлашиш”, яъни ўз маъносида ҳамда ижодкорнинг номи сифатида қўлланган, яъни “Келиб билсам, сен ҳам

мени ихтиёр айлаб ватанингни тарк этибсан”; 3–4–мисрада эса сўз ўз маъносида, яъни, “Сени Андижондан ҳам тополмай, шу сабабдан Марғилондан *ҳижрат* этдим” фикрларини ифода этган:

*Қилган эдим мен сени наслигини*  
***Ҳижрат*** ихтиёр

*Келдиму билдимки, сен ҳам*  
***Ҳижрат*** айлаб ихтиёр

*Бозгашти Андижон ҳам топмадим*  
сандин асар

*Шул сабабдин Марғинондин*  
***ҳижрат*** этдим ихтиёр [5,602].

Замонавий ўзбек адабиётида иттифоқ санъатининг гўзал намуналари кузатилади. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг айрим ғазалларида *Эркин* луғавий бирлиги ҳам тахаллус, ҳам апеллятив сифатида қўлланиб, иттифоқ санъатини юзага келтирган:

*Бу қасидам сенга, халқим,  
Оқ сугу туз ҳурмати,  
Эркин ўғлингман, қабул эт,  
Ўзбегим, жон ўзбегим.*

(Э.Воҳидов, Ўзбегим)

*Эй, Ватан, бағрингда шод*

***Эркин*** ўғлонинг бўлиб

*Юрмоқни истайди кўнгли.*

(Э.Воҳидов, Ватан истаги)

Ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодировнинг *Қодирий* тахаллуси бир қанча шеърларда аллюзив ном сифатида қўлланиб, адиб ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ тарихий фактларга ишора қилади. Бунда кўпинча *Қодирий* антропонимдан қатағон даврининг мудҳиш оқибатларини тасвирлашда фойдаланилган [9,119]. Масалан,

*Ўтган кунинг – ўтган кундир,  
Ўз бошингга етган кун,  
Қодирийни берган замин,  
Қодирийни сотган кун.*

(М.Юсуф, Ватаним)

*Юртим, кўнглингдек кенг осмонларинг бор,*

*Юлдузни йиғлатган дostonларинг бор,*

*Осмонларингда ҳам дийдорингга зор*

*Жайрондек термулган*  
***Чўлпонларинг*** бор.

(М.Юсуф, Юртим адо бўлмас армонларинг бор...)

Айрим тахаллуслар ўзига луғавий ва мотивацион асос бўлган апеллятивлар билан қўлланиб, тажнис санъатини юзага келтиради.

*Йиғлади фурқатда Фурқат  
Ҳам муқимликда Муқийм,  
Нолишингдан Ҳинду Афғон  
Қилди афғон, ўзбегим.*

(Э.Воҳидов, Ўзбегим)

Мазкур шеърий парчада Зокиржон Мулло Холмуҳаммад ўғлининг тахаллуси Фурқат ва унга луғавий асос бўлган фурқат сўзи билан, Муҳаммад Аминхўжа Мирзахўжа ўғлининг тахаллуси Муқимийнинг фонетик варианты Муқийм муқим сўзи билан ёнма-ён қўлланиб, иштиқоқ санъатини юзага келтирган.

Шеъриятда ўй-фикр, ҳис-туйғу, кечинмаларнинг кимгадир ёки нимагадир мурожаат тарзида баён этилиши, шеърда ундалма қўллаш **нидо** (ар. қичириқ, қақириқ, ундов) деб аталади [1,203]. Бизнингча, бунда шеърда шоирнинг ўзига нидо ва мурожаати муҳим услубий моҳиятга эга.

*Эй Навоий, барча ўз узрин деди,  
ўлгунча куй*

*Ким, сенга ишқ ўти-ўқ эрмиш азалнинг қисмати, –*

дея ўзига мурожаат қилиш орқали, “бошдан кечирилган ишқ изтиробларида ҳеч ким айбдор эмас, балки ишқ сенга тақдирнинг битигидир”, деган хулосага келади.

Айрим шеърларда шоирнинг тахаллуси мисралар сўнгида радиф сифатида қўлланиб, ритми таъкидлаб кучайтириш вазифасини бажаради. Масалан, Турди Фароғий (XVII аср, Бухоро – тахминан 1699/1700, Хўжанд) *Турдий, Турди Фароғий, Фароғий* тахаллуслари билан ижод қилган. *Турди* шоирнинг доимий тахаллуси бўлган. *Турди* исм-тахаллуслар сирасига киради. *Турди* ўзбекча исм бўлиб “қолди, тўхтади, ўлмади” маъноларини билдиради.

Шоирнинг бир ҳасби ҳол шеърда тахаллуси шеърий мисралар охирида радиф

сифатида қўлланиб, унинг қирқ, минг юз уруғларидан гинасини, шахсий ҳаётига хос бахтсизлик ва толесизликни таъкид билан ифодалаш баробарида шеърий ритмнинг жозибали, оҳангдор, таъсирчан чиқишини таъминлаган:

*Қатрамен ночийз, аммо зоти қулдум  
Турдиман,*

*Келтуруан атвожга баҳри талотум  
Турдиман*

*Қирқу, Юз, Минг ақраболар этдилар  
медий нуфур*

*Не бало, бахти қароу толеъи шум  
Турдиман.*

*Расадек минг печтобу чашм  
сўзонидин ўтар*

*Бо вужуди эътибори чашми мардум  
Турдиман [3,59].*

Ўзбек маърифатпарвар шоири Аваз Полвонниёз (Ўтар) ўғли (15.08.1884 – Хива – 1919) исмидан тахаллус ўрнида фойдаланган. Унинг тахаллуси эй ундови билан радиф ҳамда ўз-ўзига мурожаат, шеърий ундалма – нидо сифатида қўлланиб, шеърий ғояни таъкидли ва оҳанг ҳамда ритми юксак пардаларда ифодалашга хизмат қилган:

*Айла яхши бирла суҳбат, эй Аваз,*

*Токи топгайсан саодат, эй Аваз.*

*Дўстларим бўлсин десанг аҳли жаҳон,*

*Хулқи хушликни қил одат, эй Аваз.*

(Аваз Ўтар, Эй Аваз)

Хуллас, тахаллуслар нафақат шоир ва ёзувчининг номи сифатида қўлланивчи бирликгина эмас, шеърий санъат ва унсурларни юзага келтирувчи, бадиийлик, образлилик, таъсирчанлик, жозибадорлик ва оҳангдорликни ифодаловчи лисоний воситадир.

#### Адабиётлар:

1. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Akademnashr, 2010.
2. Воҳидов Э. Алишер Навоий ғазалларига шарҳлар / [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси.
3. Исоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: Зарқалам, 2007.
4. Қаюмий П.. Тазкираий Қаюмий. – Т., 1998. – 1-ж.
5. Қаюмий П.. Тазкираий Қаюмий. – Т., 1998. – 2-ж.
6. Қаюмий П. Тазкираий Қаюмий. – Т., 1998. – 3-ж.
7. XX аср ўзбек шеърияти антологияси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007.
8. Ҳамидий Ҳ., Маъмуров М. Наманган адиблари. – Т., 2007.
9. Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. – Т.: Фан, 1983. – 2-ж.
10. Худойберганаева Д., Анданиязова Д. Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли луғати. – Т.: Турон замин зиё, 2016.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори).